

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 6-сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** iltiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



3. Parupalli Srinivas Rao ELT VIBES: International E-Journal For Research in ELT Volume 4, Number 4. 141-157. (2018)
4. Davidson, Bruce W. (1995). Critical thinking education faces the challenge of Japan. Inquiry: Critical Thinking Across the disciplines. XIV (3).
5. Harmer, J. (2001). The Practice of English Language Teaching. P. 46. Essex, England: Longman Press.
6. Littlewood, W. (1981). Communicative language teaching. Cambridge University Press.
7. <http://debatevideoblog.blogspot.com/2010/10/lecture-noisy-classroom-debate-for.html>

ЁШЛАРНИ БАҒРИКЕНГЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Самадова Сарвиноз Самад қизи

Бухоро давлат университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси ўқитувчиси
sarvinoz56646@gmail.com

***Аннотация:** Ушбу мақолада ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг долзарблиги, таълим тизимида бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг усул ва воситалари ёритиб берилган. Шунингдек, бағрикенглик туйғуси давлат ва жамият тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** Ўзбекистон, ёшлар, бағрикенглик, тарбия, таълим, педагогика, жамият, менталитет, талабалар, миллат.*

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТОЛЕРАНТНОГО ВОСПИТАНИЯ

Самадова Сарвиноз Самад қизи

Преподаватель кафедры Национальная идея, основы духовности и правовое обучение
Бухарского государственного университета
sarvinoz56646@gmail.com

***Аннотация:** В данной статье освещается актуальность воспитания молодёжи в духе толерантности, методы и способы воспитания духа толерантности в системе образования. Также, в статье говорится о важности значения чувства толерантности в развитии государства и общества.*

***Ключевые слова:** молодёжь, толерантность, воспитание, образование, педагогика, общества, менталитет, студенты, нация.*

THE PEDAGOGICAL BASICS OF TEACHING OF TOLERANCE.

Samadova Sarvinoz Samad kizi

The Lecturer at National idea, basic of spirituality and law teaching Department of
Bukhara state university
sarvinoz56646@gmail.com

***Annotation:** In the following article the actuality of raising the youth in the mood of tolerance, the skills and means of tutoring them in the system of education in the mood of tolerance are revealed. Also, the significance of the sense of tolerance in the development of society and state.*



Key words: *Uzbekistan, youth, tolerance, tutoring, education, pedagogics, society, mentality, students, nation.*

Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тоғув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади [1.295].

Бағрикенглик — кўп маъноли тушунча, шу сабабли уни фалсафий, тарихий, бадиий, диний, сиёсий нуқтаи назарлардан кўриб чиқиш мумкин. Бағрикенгликни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқиш, айниқса долзарб масала ҳисобланади.

Бағрикенгликнинг асосида аввало шахс тажрибаси ётади. Шу сабабли бағрикенглик тарбияси, педагогика нуқтаи назаридан, бағрикенглик тажрибасини аниқ мақсад йўлида ташкил этишдан, яъни ‘ўзга ’ кишилар билан биргаликда ҳаракат қилишни талаб этувчи шарт-шароитларни собитқадамлик билан яратишдан иборат [3.152].

Бунинг учун аввало миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш зарур. Қўйидагилар ушбу маданиятнинг унсурлари ҳисобланади:

- “этник индиферентлик ” (бепарволик), яъни шахслар ўртасидаги муомалада миллий омилини эътиборга олмаслик;
- бошқа миллат кишилари билан муносабатда мулоҳазали бўлиш;
- ҳар бир киши ҳар қандай дунёқараш масаласида ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарини айтиш ҳуқуқига эга эканлиги;
- миллий, этник муаммолар хусусидаги муҳокамада мазкур масала юзасидан ўзи эга бўлган билимлар ҳажмигагина таяниш;
- инсон ўзи яшаб турган этник гуруҳнинг маросимлари, расм-русумлари, урф-одатларини билиши зарурлиги;
- тил масаласи — миллатлараро муомала маданиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини эсда тутиш [4.12].

Шу унсурлар асосида биз ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаймиз.

Тарбия — тоқатсизликнинг олдини олишда энг самарали восита ҳисобланади, шу сабабли бағрикенглик руҳида тарбиялашни ҳозир биринчи даражали вазифа деб ҳисоблаш керак. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш — кўпгина давлат ва жамият муассасаларининг умумий вазифасидир.

“Бағрикенглик педагогикаси” деган тушунча эндиликда тез-тез ишлатилмоқда. Бу тушунча бағрикенглик маконини, мулоқот ва муомала маданиятини шакллантиришни билдиради. Бунда одамлар бир-бирининг кўнглини тушуниб, ташвишларига ҳамдард бўлади, бир-бирига ўзаро ҳамнафаслик туйғуси билан яшайди.

Олимларнинг таъкидлашича, бағрикенгликни шакллантириш мақсадида педагогика соҳасида қўйидаги шароитларни яратиш зарур:

- таълим муассасасида ягона бағрикенглик муҳитини яратиш;
- ўқувчилар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги орқали тенг ҳуқуқли мулоқотга тайёрлигидан иборат бағрикенглик ҳислатларини шакллантириш;
- фаол таълим усуллариининг турли шаклларидадан фойдаланиш;
- педагоглар ва ўқувчиларнинг муомаладаги бағрикенглик кўникмаларини ривожлантириш;



➤ педагог ходимларнинг психология, педагогика соҳасидаги билимдонлигини ошириш дастурини рўёбга чиқариш [2.69].

Таълим муассасаларида бағрикенглик онгини, динларга сабр-тоқат билан қарашни шакллантиришга ва маданиятлараро мулоқотни ўргатишга қаратилган таълим дастурлари ва технологияларини яратиб жорий этиш, таълим муассасаларида ёшлар билан психологик тренинглар (машғулотлар) ўтказиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Интерактив таълим воситалари ва ўйинлардан фойдаланган ҳолда янги коммуникацион технологиялар ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, миллатлар ва динлараро мулоқот самарадорлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Таълим муассасаларида, уйда ва ишда бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш, бир-бирига эътибор ва бирдамлик муносабатларини вужудга келтириш, доимо бағрикенглик феъл-атворини ўргатиш зарур. Мактаб ва коллежларнинг ўқувчиларигина эмас, ҳатто олий ўқув юртлирининг талабалари ҳам, кўпинча “бағрикенглик” тушунчаси билан таниш эмасликлари мулоқот давомида маълум бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, “Бағрикенглик” деган умумий ном билан мунозара клублари — давра суҳбатларини ўтказиш зарур. Бунинг учун аввалдан тайёргарлик кўриш керак бўлади. Турли гуруҳлар (мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ва шу кабилар) билан иш олиб борганда, ҳар бир гуруҳга ўзига хос равишда ёндошиш талаб қилинади. Масалан, бу ишда олий ўқув юртининг талабаларига бир кун талаб қилинса, мактаб ўқувчиларига уч кун берилади. Гуруҳларда иш олиб борилаётганда қисқача маърузалар ўтказилади.

Бағрикенглик руҳида тарбиялаш жараёнида таълимнинг фаол интерактив усулларида фойдаланиш маъқул. Таълимнинг бу усуллари — ошкора муҳокама модели бўлиб, у ўқувчиларда баҳслашиш, мунозара қилиш ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш қобилиятини ривожлантиради, кўпгина фанларни ўқитишда педагогларга ёрдам беради. Болаларга таълим бериш ва педагоглар жамоаси муаммоларини ҳал этишга янгича ёндошиш учун ўз ўқувчилари ва педагогларнинг ҳурмати ортиб боришини ҳис қиладилар. Мазкур усуллардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг таълим дастурига қизиқиши ошади. Кичик гуруҳларда ишлаш, “ақлни чархлаш” ва бошқа усуллардан фойдаланиш асосий воситалар ҳисобланади.

Суҳбат орқали таълим бериш ўзгаларнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ҳалоллик ва очиқликка кўмаклашувчи муҳитни вужудга келтириш, рағбатлантириш ва раҳбарлик қилиш; ўқувчиларнинг тўла-тўқис розилиги ва ишончини қозониш маҳоратига асосланади.

Турли фанларга оид дарс жараёнларига бағрикенглик таълим тарбиясини синдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, чет тили муаллими шу мақсадда ўқувчиларга ўзга тилдаги адабиёт билан ишлашни ўрганиш, уларнинг концерт дастури ва байрамларда ўз билимларини ижодий тадбиқ этиш қобилиятини намоён қилиш имконини яратади, ўқувчиларга ўз билимларини турли соҳаларда синаб кўриш, ўзга тилда сўзлашувчилар билан хат ёзишни, чет эликлар билан учрашишида ёрдам беради. Ана шундай тарзда ташкил қилинган машғулот ўқувчиларнинг маданиятлар мулоқотини йўлга қўйиш соҳасида хорижий ёшларнинг турмуш тарзи билан бевосита танишишларига кўмаклашиб, ахборотни маълум қилиш ва сўраб олиш, ундан фойдаланиш ва қайта ишлаш маҳоратини ривожлантиради. Ўқувчилар хорижий



адабиётни тушунишдаги қийинчиликлардан қўрқмасликка, “маънони англаб олиш”га ўрганадилар. Бундай фаолият чет тили билан ижодий “муомала қилиш”, унинг гўзаллигини идрок этиш, ўзининг ижодий қобилиятини намоён қилишда ундан фойдаланиш қобилиятини вужудга келтиради.

Агарда жойларда “Бағрикенглик марказлари” деб аталган илмий-амалий марказлар ташкил этилса, бу ҳол бағрикенглик руҳида тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутган бўлар эди. Уларнинг олдига бағрикенглик руҳида тарбиялаш соҳасида аниқ-равшан чора-тадбирларни амалга ошириш ва жамиятда бағрикенглик муҳитини ривожлантиришга кўмаклашувчи махсус илмий тадқиқотлар ўтказиш вазифасини қўйиш лозим. Ушбу вазифалар ўз навбатида қуйидагиларни қамраб олади:

- жамиятда шаклланган бағрикенглик муносабатлари тузилмаси ва даражасини ўрганиш;
- дунёда ва мамлакатда амалга оширилган бағрикенглик онги таомилларини шакллантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш йўлида уларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни тадқиқ қилиш;
- мустақиллик йилларида давлатимизда қабул қилинган ва жамиятимизда бағрикенглик муносабатлари шаклланишига таъсир ўтказган қонунчилик ва бошқарувчилик қарорларини ўрганиш;
- жамиятда бағрикенгликни шакллантириш ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

Юздан ортиқ миллий - маданий марказни бирлаштирувчи Республика Байналмилал маданият маркази мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва фуқароларнинг ўзаро тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга, миллий маданиятларни сақлаб қолиш ва уларнинг маънавий қадриятларини тарғиб қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. Мазкур марказлар ўз маданиятини тарғиб қилиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга миллатлараро муносабатда бағрикенгликни тарбиялаш соҳасида ҳам кўпгина режаларни амалга оширмоқда. Ёшларни юртимиздаги миллий – маданий марказларга бориб, у ерда турли миллатларнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарига гувоҳ бўлиб уларни ўрганишлари уларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда амалий ёрдам бўлади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб бағрикенглик тарбиясини ўқув жараёни билангина чекламасдан, машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам узлуксиз давом эттириш керак. Бунинг учун “бағрикенглик” мавзусида турли тадбирлар, анжуманлар, спектакллар, ижодий кўрик танловлар ўтказиб туриш мумкин. Масалан, адабий танлов ўтказиб, қатнашчиларга “Бағрикенглик - барқарорлик омили” деган мавзуда иншо ёзиш таклиф этилади. Ёки, фото танлов ўтказилиб, ҳар бир муаллифнинг “Дунёнинг бағрикенг инсонлари” ёки “Инсоният — бағрикенглик йўлида” мавзуидаги фото суратлар туркуми яратилади. Тарихчи талабалар ўртасида маданиятларнинг ўзаро таъсирини, бағрикенгликнинг тарихий идизлари ва замонавий муаммоларини тасвирлайдиган энг яхши музей композициясини яратишга бағишланган танловлар ўтказилади. Миллий - маданий марказларнинг иштирокида давра суҳбатлари ўтказиш, “Жаҳон мусиқаси” туркумли кечалари, “Бағрикенглик мактаби” мавзуидаги мунозара ва шу каби тадбирларни ўтказиш катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Маданиятлараро мулоқотга бағишланган ўзига хос клублар яратиш



айниқса фойдали бўлади. Унда турли миллат кишиларини мулоқотга, муайян этнос маданиятини чуқурроқ англашга қизиқтирадиган ўзига хос этник тақдирот ўтказилади.

Бундай тадбирлар турли маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига ёрдам беради. “Бағрикенгликка саёҳат” деб аталган махсус тарихий этнографик тадбир ҳам ўтказилиши мумкин. Ниҳоят, ёшларнинг махсус ёзги оромгоҳи ташкил этилади, унга турли танловларнинг ғолиблари бориб, бағрикенглик тарбияси масалаларига бағишланган махсус тренинг (машқлар) ўтказадилар.

Шу муносабат билан таълимнинг маданий бунёд этувчилик аҳамиятини тиклаш, ўқувчиларни миллий анъаналар ва минтақавий хусусиятлар асосида тарбиялаб вояга етказиш, ҳозирги таълим тизимининг энг муҳим вазифасидир. Эндиликда кўп маданиятли таълим маконини вужудга келтириш муаммоси таълимнинг барча босқичларида: мактабгача тарбия, мактаб тарбияси, олий ўқув юрти тарбияси даражасида ҳал этилмоқда. Айниқса, олий ўқув юртларида турли миллатларга мансуб йилит ва қизлар биргалиқда таълим олиши сабабли, бу жойларда бағрикенглик тарбиясига эътиборни кучайтириш зарур. Ўзбекистонликларнинг бағрикенглик онгини шакллантириш барча поғоналардаги таълим стратегиясининг ўзаги бўлиб қолиши керак.

Мустақил Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ниҳоятда бой тарихий мероси, маданияти ва санъати бутун дунёда доимий қизиқиш уйғотиб, сармоядорлар ва саёҳатчиларни ўзига жалб қилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тафаккури, турмуш тарзи ва феъл-атворидаги бағрикенглик тамойиллари шубҳасиз муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда амалга ошириляётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг қўламли дастурлар ягона ва улў бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат[1.412].

Адабиётлар.

- 1. Мирзиёев Ш.М.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” 2017й.
- 2. Белолева Г.В., Шмелева Г.М.** Толерантность в педагогике. М., 2002й.
- 3. Муртазаева Р.** Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т;“Университет”.2007й.
- 4. Немкова М.** Развитие культуры межнациональных отношений у школьников — Ульяновск, 2003й.
- 5. Turdiyev B. S.** The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 6. – С. 229-233.
- 6. Turdiyev B.S.** Spiritual renewal and interethnic relations in the strategy of actions //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 85-89.
- 7. Sobirovich T. B.** O‘zbekiston demokratik jamiyat taraqqiyoti rivojida ma’naviy yangilanishlar strategiyasining roli //Imom Buxoriy saboqlari. – 2020. – №. 2. – С. 118-121.



13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

81	Профессионал таълим муассасаларида бошқарув фаолияти самарадорлиги Турғунов С.Т., Шодманов Қ.О,Юлдашев М.А.	408
82	Наманган шаҳар “Орзу” маҳалласи тажрибаси асосида “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалиётга татбиқ этиш тизими Исамутдинов Р.Р.	411
83	Использование современных информационных и дидактических технологий в учебном процессе Замилова Р. Р.	416
84	Инклюзивное образования. внедрение инклюзивного образования в Узбекистане. Narmatova A.P.	420
85	Касбга йўналтирилган топшириқлар техника олий таълим муассасаларида математикани касбга йўналтириб ўқитиш воситаси сифатида Тураев Ў.Я.	425
86	Рақамли дунё шароитида бошланғич таълимда интеграциялашган таълимни такомиллаштириш технологияси асосида самарадорлигига эришиш истиқболлари Салохитдинова Н.М.	430
87	Автоном таълим муассасалари: асосий хусусиятлар, ютуқ ва камчиликлар Исмоилов Т.И.	437
88	Инновационные подходы в методах обучения иностранным языкам Жабборова Д.Ш.	442
89	Tikansiz – gul, sadafsiz – dur, mashaqqatsiz hunar yo’qdur. Kurbonova M.	446
90	Техника олий таълим муассасаларида “олий математика”ни масофавий таълим шаклидан фойдаланиб ўқитиш Қамбаров М.З.	451
91	To the issues of the formation of the pedagogical excellence of the teacher Mikheeva A.	456
92	O’quvchilarning ingliz tilida nutq kompetensiyasini rivojlantirishda interfaol mashqlardan foydalanish Akbarova R.A.	460
93	Ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари Самадова С. С.	464
94	The role of internet technologies in science and education Khusanov Kh.Y.	469
95	Методы обучения фонетике маленьких детей Туракулова Д.К.	474